Тошкент Оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 7 (8.897) ✱ 1997 йил 17 январь, жума ✱ Сотувда эркин нархда

ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЧЕХИЯ ВА СЛОВАКИЯГА ТАШРИФИ

ПРАГА, 15 январь. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади).

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Чехияга келди.

Бугун эрталаб Прагадаги ҳукумат уйида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Президент Ислом Каримовга Чехия Бош вазири Вацлав Клаус пешвоз чиқди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Чехия давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва Чехия Бош вазири В. Клаус ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Шундан кейин Ўзбекистон раҳбари ва Чехия Бош вазири иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бошланди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Чехия ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А. Комилов ҳамда Чехия Бош вазири ўринбосари И. Кочарник имзолашди. Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Чехия Саноат ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Чехия «Коммерчни банк»и ўртасида ҳам ҳужжат имзоланди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Чехия сенати ва вакиллар палатасига ташриф буюриб, парламент раҳбарияти билан учрашди. Ўзбекистон Президенти шарафига қабул маросими уюштирилди.

Тушдан сўнг Президент Ислом Каримов Прага қасрига келди. Бу ерда фахрий қоровул саф тортди ва икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ушбу хабар узатилаётган пайтда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Чехия Президенти Вацлав Гавел ўзаро холи суҳбатлашмоқда. Суҳбат сўнгида Ўзбекистон Республикаси билан Чехия республикаси ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида Қўшма баёнот имзоланиши кутилмоқда. Ҳужжатни Ўзбекистон ва Чехия давлатлари раҳбарлари имзолайдилар.

Мамлакатимиз раҳбари бугун Прага мэриясига ҳам ташриф буюриб, шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар кенгаши аъзолари билан учрашади.

* * *

БРАТИСЛАВА, 16 январь. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади).

Мамлакатимиз раҳбарининг Чехияга ташрифи, Президент Вацлав Гавел ва Бош вазир Вацлав Клаус билан музокаралари икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Чехия раҳбарияти Марказий Осиёдаги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор мамлакат — Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни янада равнақ топтириш истагини билдирди. Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан интеграциялашуви йўлидаги яна бир муҳим омил эканини таъкидлади. Жумладан, давлатимиз раҳбари Чехия Президенти Вацлав Гавел билан учрашувида Чехиянинг Европа Иттифоқига интеграциялашувини тўла маъқуллади ва юқори баҳолади.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни жонлантиришда ҳар икки мамлакат ишбилармонларининг ҳамкорлиги муҳимдир. Президент Ислом Каримов Чехияга ташрифининг учинчи куни эрталаб Қайзерштайн саройида мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан мулоқотда бўлди. «ЧКД Прага холдинг» ҳиссадорлик жамияти ҳамда унинг заводига ташриф буюриб, корхона фаолияти билан танишди.

Шундан сўнг Праганинг «Стара ружине» аэропортида Ўзбекистон Президентини расмий кузатиш маросими бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Словакия Республикасига келди.

Ташриф давомида Президентимиз Словакия Президенти Михал Ковач, Словакия Миллий Кенгаши раиси И. Гашпарович билан мулоқотда бўлади. Ўзаро музокаралар ниҳоясида икки мамлакат ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.



«Учқун» ҳиссадорлик жамиятининг гул босиш цехида 36 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган Аҳмаджон Исроилов ўз касбининг устаси саналади. Сабаби жамоа аъзолари кейинги йилларда янги технологиялар асосида меҳнат қилиб, сифатли ва харидоргир халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга эришмоқдалар.

СУРАТДА: Аҳмаджон Исроилов.

Рустам Шарипов олган сурат.

ҒОЛИБ ЧИЛАНГАРЛАР

Шаҳримиздаги 5-автокорхона чилангарлари орасида бир неча йилдан бери «Сифат кафолати „учун» меҳнат беллашуви давом этиб келади. Анъанага айланиб қолган бу мусобақага ҳар чоракда якун чиқарилади. Янги йил арафасида ғолиблик Асадулла Зиёев бош бўлган чилангарлар бригадасига насиб этди..

— Бугунги кунда корхонамизда 130 та автобус ва 18 та «Мерседес Бенц» мавжуд бўлиб, улар эрта тонгдан кечгача йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишади. Бунда, албатта, биз чилангарларнинг ҳам ўзига хос улушимиз бор, — дейди Асадулла Зиёев. — Шунинг учун уларни таъмирлаш ишига сидқидилдан ёндошамиз. Сифатли бажарилган иш кам ташвиш келтиради. «Сифат кафолати» учун ўзаро беллашувимиздан мақсад ҳам ана шу.

Жамоа ўтган йил режаларини яхши якунлади. Йўловчиларни манзилига элтиш 105 фоизга, автобусларнинг умумий ҳаракати эса 103,2 фоизга бажарилди. Корхонанинг 800 кишилик аъзоси ҳар куни эрта тонгдан 12 та йўналиш бўйлаб автобуслар чиқаришга эришяпти. Ўз касбининг усталари бўлган ҳайдовчилар йўналишларда жадвал бўйича қатнаб, йўловчилар олқишига сазовор бўлишмоқда.

Мақсуд ОДИЛОВ.

Ҳамкорлик қирралари

«АВТОШ» ЮКИНГИЗНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон йўлларида «Авиа» русумли юк машиналари елиб юрганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Чехиянинг Тошкентда «Автош» номи билан чиқарилаётган бу ихчам, бошқарилиши қулай ва тежамли автомобиллари ўз имкониятлари билан тез орада кўпчиликка манзур бўлди.

Дарҳақиқат, «Авиа» юк машиналарини Тошкентда йиғиш фикри замона зайли билан туғилди. Тошкент қурилиш транспорти бирлашмаси Бош директори В. Аванесов бирлашма қошидаги автомобиль таъмирлаш корхонасида халқ хўжалигида эҳтиёж катта бўлган кичик ҳажмли юк машиналари йиғиш таклифи билан чиққанди. Узоқ музокаралар, ҳисоб-китоблардан сўнг чехларнинг кўп модификацияли юк машинаси — «Авиа»ни Тошкентда чиқаришга келишилди. Чехиянинг қарийб бир асрлик тажрибага эга автомобиль заводи билан қўшма корхона ташкил қилинди. Корхона ишчи ва муҳандисларининг Прагада малака оширишлари учун шароит яратилди. Натижада 1993 йилдан бошлаб пойтахтда дастлабки автомобиллар йиғила бошлади.

Бугунги кунда корхона 3,5 — 4 тонна юк кўтара оладиган, 100 километрга 13—13,5 литр дизел ёнилғиси сарфлайдиган беш турдаги бежирим машиналар чиқармоқда. Машина кабинаси — уч ўриндиқли, шинам ва замонавий «Автош» «ЗИЛ-130» ва «ГАЗ-53» машиналари ишини бемалол бажариши мумкин. Энг муҳими, «Тошкент автомобиллари» шу турдаги бошқа машиналардан анча арзон.

Қўшма корхона харидорларига ўз машиналарининг 200 минг километргача бузилмаслик кафолатини беради. Шу пайтгача улардан рекламация, яъни автомобилнинг кафолат муддатида бузилиб қолгани ҳақидаги шикоят хати тушгани йўқ.

Корхонанинг режалари катта. Бутловчи қисмлар вақтида етказиб турилса, йилига 2 мингта автомобиль йиғиш имконияти бор. Жамоа келгусида машина турлари ва сонини янада кўпайтиришни мўлжаллаган. Энг муҳими, бутловчи қисмларнинг 60 фоизини ички имкониятлар ёрдамида тайёрлаб, машина таннархини анча камайтириш устида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда.

Исроил ШАМСИМУҲАМЕДОВ.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○

Ўзбекистон Республикаси маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси билан Японияниинг жамоат ташкилотлари ўртасида ўрнатилган мустаҳкам алоқалар ҳар икки давлат ўртасида дўстлик ришталарини янада ривожлантириш ишига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Мустақиллик мевалари

ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИГА СТИПЕНДИЯЛАР

Ассоциация мажлислар залида Ўзбекистон олий ўқув юртларининг энг илғор талабалари ва ёш олимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга кунчиқар мамлакат парламентининг жаноб Ҳ. Кумагаи раҳбарлигидаги японўзбек дўстлик лигасининг жамғармаси асосида махсус стипендиялар топширилиши ҳам фикримиз далилидир.

Тадбирда Ўзбекистон — Япония жамиятининг раиси, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Файзуллаев, санъатшунослик институтининг директори Т. Гофурбеков, электроника институтининг директори Ў. Расулов ва бошқалар сўзга чиқишиб, кунчиқар мамлакат билан алоқаларнинг нақадар қадимий ва мустаҳкам заминга эга эканлиги, жумладан ҳозирги шароитларда уни янада юқори поғонага кўтариш борасида қилинаётган ишлар, мўлжалланаётган режалар хусусида тўхталиб ўтишди.

Сўнг Японияниинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Кочита Обата Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент Давлат техника университети, Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, электроника институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бир гуруҳ талаба, ўқитувчи, аспирант, докторант ва илмий ходимларига стипендияларни топширар экан уларнинг келгусидаги ўқиш ва ишларида катта зафарлар тилади.

Дамир ИСЛОМОВ.

Дил тубидан

ҚОР

Биринчи қор.

Тунда деразадан ёғаётган ёмғирга термулиб, қани эди эрталабгача қорга айланса, дея орзуладим.

Кўнгил қорни соғинган эди.

— Қор йўқ. Шу кетишда бўлса баҳорда қургоқчилик бўлади, — дея совуқ нафас қилган эди бир танишим.

Унинг гаплари мени ёсскантириб юборди.

Ҳеч кимга билдирмай қорни кута бошладим.

Оқшомда, ёғаётган ёмғирга термулиб, қорга айланса-я дея умидландим.

Ёғаётган ёмғирми,
қорми?
Қор тагида қолган
баҳорми?
Кўнгил сенга шунчалар
зорми?
Соғинчларга тўлди
юрагим.

Қор кўнгилда ажиб хотираларни уйғотади. Болаликдаги қорбўрон ўйинларини, қор билан боғлиқ ширин дамларни ёдга туширади.

Қор ёққанда Тошкент кўчалари ажиб чирой касб этади, ўз-ўзига маҳлиё сулув маликалардай яшнаб кетади.

Қор ёққан маҳаллар сўлим боғларда сайр этиб юрганмисиз?

Ер оқ. Дарахтлар оқ. Осмон оқ. Оқликни соғинган кўнгил фориланади, ажиб беғуборликни туясиз.

Бундай нурли лаҳзаларда кўнгил фақат яхшиликни қўмсайди. Хаёлга фақат ёруғ ўйлар келади.

Ёруғ ўйлар, эзгу ниятларингиз муборак бўлсин!

Биринчи қорингиз қутлуғ бўлсин!

Абдураҳмон ЖЎРА.

Дастурхон тўкинлиги йўлида

НОВВОЙЛАР ҲИММАТИ

«Тахтапулпон» ҳиссадорлик жамиятида ўтган йилнинг ҳисоб-китобига якун чиқарилди. Шунга кўра ҳар бир акция эгасига 456 сўмдан дивиденд тўланадиган бўлди.

— Корхонамиз 1995 йил октябрь ойида ҳиссадорлик жамиятига айланган эди, — дейди бизга бош муҳандис Баҳодир Аҳмедов. — Дастлабки акцияларимиз чиқарилганидаёқ ишчиларимиз ўнтадан элликтагача, ҳатто ундан ҳам ошириб қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишган эди. Янги усулнинг келажаги порлоқ эканлигини олдиндан тушунган новвойларимиз мана энди ойлик маошларидан ташқари яхшигина қўшимча даромад олишаяпти. Бундай манфаатдорлик ўз навбатида уларни унумли меҳнат қилиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундамоқда.

Кеча-кундуз иш жараёни тугамайдиган корхонада бир кунда 15-20 тоннага яқин олий навли булка нон ишлаб чиқарилиб, ҳамшаҳарларимиз дастурхонига тортиқ этилмоқда. Бундан ташқари бу ерда сутка давомида 3 тоннадан ортиқ патир нон ҳам тайёрланмоқда.

Жамиятнинг 170 ишчи ва хизматчиси корхонанинг фаол ишлаб туриши учун астойдил меҳнат қилмоқда.

— Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Кўкча, Бешқайрағоч, Ибн Сино, Шифокорлар шаҳарчаси, «Феруза» даҳаларидаги кичик нон корхоналари ҳам яқин вақтларгача бизнинг таркибимизда бўлиб, бу тармоқларда бир кунда 50 тоннага яқин булка нон ва булочка маҳсулотлари тайёрланар эди, — дейди бизга Б. Аҳмедов сўзини давом эттириб. — Янги усул шарофати билан ҳозирда улар ҳам мустақил ишлашмоқда.

Маҳмуд ОРИПОВ.

Обуна — йил бўйи

«ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ

Оммавий нашрларга обуна йил бўйи давом этадиган жараёндир. Агар сиз турмуш ташвишлари билан бўлиб ўзингиз севган «Тошкент оқшоми» газетасига ёзилолмай қолган бўлсангиз ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар шаҳримиздаги истаган алоқа бўлимига бориб обунани расмийлаштирсангиз келаси ойдан «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бораверади. «Тошкент оқшоми»нинг чакана савдога чегаралланган миқдорда чиқишини эътиборга олганда унга обуна бўлиш энг мақбул йўл эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Демак шу кунларда алоқа бўлимига бориб, газетамизга ёзилсангиз уни шу йилнинг март ва ундан кейинги ойларидан бошлаб олаверасиз. Обуна нархлари эса қуйидагича:

Уй манзилига
- Бир ойга — 99 сўм
- Уч ойга — 297 сўм
- Олти ойга — 594 сўм

Абонент қутисига
- Бир ойга — 79 сўм
- Уч ойга — 237 сўм
- Олти ойга — 474 сўм

«Тошкент оқшоми»га обуна Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Яна бир гап: обуна масаласида бирор муаммо туғилгудек бўлса 33-29-33, 33-29-70 (таҳририят) ёки 33-47-49 («Тошкент почтаси» корхонаси)га қўнғироқ қилинг.

Газета индекси — 64690.

ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов барча геологларни Ўзбекистон геология хизмати ташкил этилганлигининг 70 йиллиги билан қутлади.

● Муқаддас Рамазон ойи бошланиши муносабати билан икки муқаддас масжид ходими Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд бин Абдулазиз Ол Сауд, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Зоид бин Султон Ол Наҳаён, Гамбия Республикаси Президенти полковник Яҳё А. Й. Й. Жамме, Миср Араб Республикасининг Президенти Ҳусни Муборак, Эрон Ислом Республикасининг Президенти Акбар Ҳошимий Рафсонжоний, Саудия Арабистони подшоҳлигининг валиаҳди, Бош вазир ўринбосари, миллий гвардия бошлиғи, шаҳзода Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Сауд, Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти ва Бош вазири Мактум бин Рашид Ол Наҳаён, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари Султон бин Зоид Ол Наҳаён Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ва мамлакатимиз халқига энг эзгу тилакларини йўлладилар.

● «Ўзбекенгилсаноат» ассоциациясида республика Вазирлар Маҳкамаси Халқ истеъмоли моллари, савдо ва пуллик хизмат мажмуининг сайёр мажлиси бўлди.

● Тошкентда ўтказилган республика илмий-амалий семинарида ўқувчи ёшларни ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашни янада такомиллаштириш вазифалари муҳокама этилди.

● Гулистонда Бизнес маркази фойдаланишга топширилди.

● 15 январда Тошкентда Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бошқарувининг йиғилиши бўлди.

● Қўқондаги механика заводида янги маҳсулот — металл сейфлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

● Хоразм вилоятининг Гурлан тумани пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ўз ишчи-хизматчилари учун сўлим гўшада жойлашган 100 ўринли «Гурлан» шифохонасини қуриб битказди.

● Италия фирмаси билан ҳамкорликда иш бошлаган Нукус мармарга ишлов бериш қўшма корхонаси маҳсулотнинг дастлабки туркумларини ўз буюртмачиларига жўнатди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Бугун Москвада Ҳамдўстлик давлатлари ҳукумат бошлиқларининг учрашуви бўлади. Учрашув якунида бир қанча ҳужжатлар имзоланади.

● Мустақил Ҳамдўстлик давлатлари мамлакатлари раҳбарлари кенгашининг раиси ҳам бўлган Россия Президенти Борис Ельцин Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг учрашувини 29-31 январда ўтказишни таклиф этди. МДҲ ижроия котибиятининг матбуот хизматидан ана шу ҳақда хабар беришди.

● Ҳамдўстлик давлатлари ташқи ишлар вазирлари кенгашининг кеча Москвада ўз ишини бошлаган навбатдаги мажлис иштирокчилари фуқаролик ҳуқуқи, ҳарбий муаммолар ва коллектив хавфсизлик масалалари борасидаги бир қатор ҳужжатларни муҳокама қилдилар. Мажлисда ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларидан ташқари бош прокурорлар мувофиқлаштириш кенгашининг, ички ишлар вазирлари, Ҳамдўстликдаги давлатлар махсус хавфсизлик хизматлари органларининг, шунингдек, мудофаа вазирлари кенгашининг вакиллари иштирок этдилар.

● Бугун Белоруссиянинг Гомель шаҳрида Белоруссия ва Украина Президентларининг учрашуви бўлади.

● 15 январда Ашгабатда Туркманистон парламентининг сессияси очилди. Депутатлар бир қанча муҳим қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурини тасдиқладилар.

● Қозоғистоннинг Чимкент шаҳри 2000 йиллиги арафасида тарихий номи — Тараз шаҳри деб қайта номланди. Қозоқ оқини ва шоири Жамбилнинг хотираси шарафига унинг номи билан аталадиган вилоятни қайта номламасликка қарор қилинди.

● Молдова Президенти Петр Лучинский республика ҳудудидан Россия қўшинларининг тезлик билан олиб чиқиб кетилишини айтди.

● РЛДП етакчиси Жириновский 2 апрелда ягона давлатни тузиш тўғрисида Россия-Белоруссия референдумини ўтказишни таклиф этди.

ХОРИЖДА

● Вена шаҳрида бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси ҳамда Австрия парламенти ҳамкорлигида ташкил қилинган демократия ва парламентаризм масалаларига бағишланган халқаро семинарда Ўзбекистон парламенти вакиллари ҳам қатнашиб, сўзга чиқдилар.

● Вена шаҳрида Австрия Ташқи ишлар вазирлиги Вена Шарқ Академияси билан ҳамкорликда Хаммер Пургшталл номли «Ориент» жамияти қошида Жанубий Кавказ ҳамда Марказий Осиё республикалари «Ахборот маркази»нинг очилиш маросими бўлди. Маросим қатнашчилари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Арманистон ҳамда Грузия мамлакатларининг ҳозирги ҳаёти, миллий анъаналарини акс эттирувчи кўргазмани ҳам томоша қилдилар.

● Исроил парламенти исроил қўшинларининг Хеврон шаҳри ҳудудининг катта қисмидан қўшинларни олиб чиқиб кетилиши тўғрисидаги битимни маъқуллаганидан кейин ўз қувончларини изҳор қилиш мақсадида юзлаб фаластинликлар Хеврон кўчаларига чиқдилар.

● Перудаги Япония элчихонаси қароргоҳида 74 кишини гаровда ушлаб турган Тупат Амару қўпорувчилар гуруҳи мамлакат ҳукумати ва Президентини туҳматчиликда айблади.

● Мўғулистон ва Россия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш борасидаги бир қанча таклифлар мамлакат Вазирлар Маҳкамасида муҳокама қилинди.

● Покистон пойтахтида Афғонистондаги бир-бирига қарама-қарши гуруҳлар ўртасида музокаралар бўлиб ўтмоқда. Толибончилар биринчи бор ўзларининг асосий рақиблари билан музокаралар столига ўтирдилар. Бу музокаралар БМТ шафелигида ўтмоқда.

● АҚШнинг Мичиган штатида «Комэйр» авиакомпаниясига қарашли «Эмбрайер-120» йўловчи самолёти фалокатга учради.

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН СОНИДА:

«Юртимиздаги рақсни гулдастага қиёс этгим келади. Ҳар бир вилоятимиздаги рақсларни эса биттадан гулга ўхшатаман. Бу гуллар ўзига хос тароватн, латофати, гўзаллиги, ижро усуллари билан мафтункор. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос миллий либосларини айтмайсизми?»

Президентимизнинг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони муносабати билан ажойиб раққоса, Ўзбекистон халқ артисти Розия Каримова билан бўлган суҳбатда айтилган бу сўзлардан шу нарса яққол англашиладики мустақил юртимизда миллий рақсимизнинг оламаро довруғини ошириш борасида катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда.

2-БЕТ

«...Кейинги пайтларда ҳали қора, ҳали ҳаворанг, ҳали мошранг кийимларга ружу қўйиш кучайиб бораяпти назаримда. Бу нимани-нг белгиси ? Ёки эстетиқоднинг намоён бўлишими? Ахир эстетиқод, иймон ҳар бир кишининг дилида бўлмоғи лозим эмасми?»

«Либос ҳам ҳусн» мақоласида кўпчиликни ўйлантираётган муаммо қаламга олинган. Уни албатта ўқиб чиқинг ва ўз мулоҳазаларингизни «Оқшом»га йўлланг.

3-БЕТ

Мустақил юртимизнинг спортчилари мамлакатимиз довруғини хорижий элларда ёймоқдалар. Бу борада армиячи спортчиларнинг хизматлари арзигуликдир. Уларнинг спорт соҳасида эришган ютуқлари қандай шарафланганн, Бирлашган Араб Амирликларида шахматчиларимиз эришган ютуқлар ҳақидаги хабарлардан воқиф бўлай десангиз, 20 январдан 26 январга қадар «Ойнаи жаҳон» орқали қандай кўрсатувлар намойиш қилинишини билмоқчи бўлсангиз шу саҳифага кўз югуртиринг.

4-БЕТ

Ўзбек халқининг ифтихори бўлган неъматлар беҳисоб: оқ олтин, қора олтин, буғдою қоракўл, адабиёту санъат... «Рақсимиз — фахримиз» деймиз. Тамарахоним, Мукаррамахоним, Ҳалимахоним, Розияхоним, Галияхоним, Қундузхоним, — уларнинг санаб адоғига етиш қийин. Президентимизнинг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ифтихоримиз бўлган рақс санъатимизнинг тарихий анъаналарини тиклаш, бойитиш борасида кўрсатилган катта ғамхўрлик намунасидир. Биз шу муносабат билан ўзбек рақси сарчашмаларида турган ажойиб раққоса, меҳрибон мураббия, Ўзбекистон халқ артисти, Республика Давлат мукофоти соҳибаси, Тошкент хореография билим юрти муаллимаси Розия КАРИМОВА билан суҳбатда бўлдик.

— Розия опа, халқимизнинг ардоқли раққосаси, умрини шу ишга бахшида этган фидойи сифатида рақсимиз келажаги хусусида фикрларингизни ўртоқлашсангиз...

— Фармонни билим юртидаги муаллим, муаллималар ўқиб ниҳоятда севиндик. Хатто кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ҳали рақс борасида бунчалар кенг кўламли, катта юмушларни белгилаган, узоқни кўзлаган Фармон яқин орада қабул қилинганини эслолмайман.

Рақс оламига қириб келганимга 70 йил бўлди. Илк бора саҳнага Мукаррама опам 1927 йилда олиб чиққан эди. Етмиш йил бўлдики рақс ҳавосидан нафас оламан.

Рақсимизнинг қирралари бой. Рақсимиз халқимизнинг чинакам бойлиги. Ноннинг ушоғини ҳам ерга туширмаймиз. Маънавият ҳам нондай улуғ, рақсимизнинг биронта ҳаракати, биронта «қош қоқиши», имо-ишораси йўқолмаслиги керак. Улар бизга машҳур раққосаларимиздан мерос бўлиб қолган.

Фармон ва ижро

РАҚСИМИЗ ДОВРУҒИ ОШАВЕРСИН

— Шу йўлда тинимсиз меҳнат қилаётганингиз, китоблар ёзаётганингиздан кўпчиликнинг хабари бор... Шу ишларни давом эттираяпсизми?

— Рақс борасида 14 та китоб чиқардим. Ҳар бирида машҳур рақсларимизнинг тарихи, мусиқалари, ноталари билан берилган. Қўлимда 4 та қўлёзмам бор. Қоғоз танқислиги сабаб уларни чоп эттиришнинг иложи бўлмай турибди. Яхши бир кунда босилиб чиқишига ишонаман. Ҳар бир раққоса, ҳар бир рақс чинакам бойлигимиздир. Гулнора Маваева, Ҳалима Раҳимова, Қундуз Миркаримова, Вилоят Оқилова, Дилафрўз Жабборова, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Насиба ва Зиёда Мадраҳимова, Шокир Аҳмедов, Қўрқмас Соатов, Иброҳим Юсупов, Қодир Мўминов, Акбар Мўминов, эҳ-ҳе, ажойиб раққосаларимиз, раққосларимиз қанча ! 1932 йилдан бери билим юртида дарс бериб келаётган бўлсам қанчадан-қанча истеъдодларни саҳнага йўлладим. Уларнинг ҳар бири ҳақида китоб ёзса арзийди. Уларнинг ҳар бирининг рақсимиз тарихида муносиб ўрни бор.

— Розия опа, Президентимиз Фармонида кўзда тутилган юмушларни амалга оширишда кўпроқ нималарга эътибор бериш керак.

— Фармондаги юмушларни бажариш ҳар биримиздан фидойиликни талаб қилади. Ҳар нарсада бўлгани каби рақсда ҳам фидойилик бор. Биргина Нурхонни эсланг. У ахир санъатимиз йўлида қурбон бўлди. Фармон Нурхон ва Нурхонларнинг руҳини шод этганига шубҳам йўқ.

Республикамизда Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактабининг ташкил этилиши қандай яхши! Ажойиб раққосаларни камолга етказишда олий мактабнинг аҳамияти жуда катта бўлади. Айниқса, ўзбек хореография билим юртимиз унинг негизларидан бири бўлиши биз учун ҳам фахрлидир. Олий мактабнинг фаолият доираси бир нечта йўналишда аниқ-равшан қилиб белгиланиши бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди.

Билим юртимизда ҳозир доирачиларга танқислик сезилади. Тўғри, иқтидорли доирачиларимиз кўпку, деб эътироз билдиришингиз мумкин. Лекин раҳматли Уста Олим Комилов 1929 йилда Тамарахоним билан доиранинг 117 та усулини ишлаб чиққан! Ўйлайманки доирачилар тайёрлашга ҳам энди катта эътибор берилади.

Юртимиздаги рақсни гулдастага қиёс этгим келади. Ҳар бир вилоятимиздаги рақсларни эса биттадан гулга ўхшатаман. Бу гуллар ўзига хос таровати, латофати, гўзаллиги, ижро усуллари билан мафтункор. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос миллий либосларини айтмайсизми? Уларни мутлақо бир-бири билан аралаштириб юбориш мумкин эмас. Ахир «Лазги»нинг, «Андижон полкаси»дан, Фарғонанинг «Беш қарсак»дан фарқи борку! Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий «Ўзбекрақс» бирлашмаси, Унинг вилоят бўлимлари тузилиши, вилоятлардаги рақсларнинг янада мукаммалланишига, янги-янги раққосаларнинг кашф этилишига омил бўлади деб ният қиламан.

Биздаги энг зарур юмушимиздан яна бири — бу йигитларимиз рақсини жонлантиришдир. Икки-учта истеъдодли раққос билан буни уддалаш қийин. Шундай қилиш керакки Грузиядаги, Украинадаги, Туркманистондаги йигитлар рақси сингари оммавий, жанговар, айни чоғда файзли рақслар яратиш зарур.

Ва ниҳоят: ҳар бир рақснинг ўз раққосаси бор. Ҳар бир раққосанинг севикли рақси бор. «Тановар», «Қаринаво», «Андижон полкаси», «Дилхироҳ», «Роҳат», «Катта ўйин» сингари машҳур рақсларимиз саҳналаримизни яна ларзага солса қани эди!

Фармонда ҳар биримизнинг қиладиган юмушимиз аниқ белгиланган, қани эди, ёшлигим қайтиб келсаю яна саҳнада жавлон уриб, ўз ҳиссамни қўшсам..

— Розия опа, сиздек билимдон мураббия, рақс санъати фидойиси ҳозирги ёшингизда ҳам талай юмушларни бажарасиз. Айтишадику, «Қари бор уйнинг зари бор» деб. Сиздек зарпунос раққосанинг ҳар бир ўгити, тажрибаси ниҳоятда қимматли...

— Раҳмат. Қўлимдан яна нима келса барчасини бажараман. Ниятим — рақсимизнинг олам аро довруғи ошаверсин.

Суҳбатдош Темур ТИЛЛО.

Кўпни кўрган донолар: «Қишнинг бир куни қолса ҳам қўрқ» деб бежиз айтишмаган. Бизнингча бу гапга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Чунки ҳамшаҳарларимиз ҳамма нарсанинг чегараси ва охири борлигини яхши билишади, буни амалда кўп марталаб синаб кўришган. 14 январь куни ёққан пақа-пақа қор бунга мисол бўла олади...

Қиш — синов даври

УЙЛАРИНГИЗ ЯХШИ ИСИЯПТИМИ?

Умуман айтганда шаҳримизда ҳар йилгидек қишга ўзига хос тайёргарлик кўрилди. Бу фикрнинг исботи учун гапни пойтахтимиз хонадонларини иссиқ сув билан таъмин этувчи Тошкент иссиқлик марказидан бошласак. Корхона бош муҳандиси Алексей Худякнинг таъкидлашича, марказ ихтиёрида ўнта йирик қозонхона бўлиб, улар шаҳар аҳолисини тўла иссиқлиқ билан таъминлаш қувватига эга. Чунки бу қозонхоналар ҳар бирининг туманларда яна бир нечталаб кичик қурилмалари ҳам мавжуд. Улар қиш мавсумида сувни 120-130 даражагача иситиб уни диаметри 600-800 миллиметрли қувурлар орқали 10-12 атмосфера босимида истеъмолчиларга етказиб беради.

— Ўтган йиллари бу қозонхоналаримиз бир меъёрда, узлуксиз ишлаб турди, — дейди бош муҳандис. — Айрим жойларда режадагидан кўп иссиқлик бердик. Бу мавсумда саккизта қозонхонани таъмирдан чиқардик. Қўшимча яна иккита кичик қозонхона ўрнатдик. Лекин қувурларни таъмирлаш долзарб масалалигича қолмоқда.

Ҳамма гап шунда. Хонадонларнинг яхши исимаслиги иллатини ҳам биринчи навбатда худди мана шундан қидирмоқ керак. Масалан биргина Собир Раҳимов тумани уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига қарашли 4-ижара корхонасини олайлик. Турсунбой Маметов бошлиқ бу участкага Себзор даҳасидаги 47 та кўп қаватли уйлар қарайди. Уларда 4552 та хонадон жойлашган. Мавсумда 37 уйга иссиқлик узатувчи қувурлар таъмирланди. Бу қисмда хонадонлар иссиқлиги нормал ҳолатда. Лекин қувурлари таъмирталаб ўйларда эса ҳар галгидек иссиқлик бир келса, бир келмай қолади. Натижада даҳадаги 34 ва 52-уйларда истиқомат қилувчи оилаларнинг кўпчилиги хоналари исимаётганидан азият чекишяпти. Бундай ҳолни Сергели туманига қарашли 5-Қўйлиқ мавзесидаги 26-уйда ҳам учратиш мумкин.

— Ҳурматли таҳририят, — деб ёзишади шу уйда истиқомат қилувчилар, — уйимиз 130 хонадонни ўзига жамлаган. У тумандаги 4-ижара корхонасига қарашли. Мана январь ойи ўтиб бораётган бўлса ҳам ҳамон 50 фоиз хонадонлар яхши исимайди. Ижара корхонасида ҳар йили бошлиқлар алмашади. Лекин бирор ижобий натижа сезилмайди. Ўтган йил охирида корхонага Е. Егорова раҳбар бўлиб келди. Зора янги бошлиқ арзимизни тинглаб, истагимизни бажарса деб унинг олдига югурдик. Афсуски, унинг жавоби ҳам олдингиларинкидан деярли фарқ қилмади. «Таъмирловчилар қувурларни чала таъмирлаб кетишган бўлса, мен нима қилай. Ана ўшаларга мурожаат қилинглар», деди у бизни совуққина қаршилаб. Ахир Егорова раҳбар бўла туриб, югуриб-елмаса бизнинг чопганимиз қаергача борарди. Эртага қаҳратон бошланганда нима қиламиз. Болаларимизни совуқдан омон-эсон олиб чиқиш учун кўрпа-тўшакларга ўраб ўтирамизми?

Тўғри, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳеч кимга ҳам осон тутиб бўлмайди. Лекин аҳолининг ҳақли талабини сансалорликка солавериш ҳам инсофдан эмас. Шундай экан, ишлаб, изланиб, имкон топиш керак бўлади. Ахир орамизда йўқдан йўндираётганлар кам эмаску. Ибратни ўшалардан олмоқ лозим.

Яқинда таҳририятимизга кекса бир киши кириб келди.

— Мен Юнусобод туманига қарашли «Марказ-5» мавзесида жойлашган 60-уйнинг 74-хонадонида яшайман. Отим Собир, фамилиям Каримов.

— Хизмат, — сўраймиз отахондан.

— Гап шундаки, ҳар йили қиш мавсумида хоналаримиз исимайди. Сабаби уйимизнинг биринчи қаватига бир вақтлар Тошкент вилояти китоб савдоси идораси жойлашган эди. 1992 йилда бу идора бошқа ерга кўчгач бу жой «Ўрта Осиё сервис қувур» корхонаси ихтиёрига берилди. Унинг раҳбарияти хоналарни қайта таъмирлаш мақсадида ҳамма жойни бузиб-ёрди. Лекин таъмирни охирига етказмай бошқа жойга кўчиб ўтди. Натижада бизнинг хонамизга иссиқлик берувчи қувурлар бир-бирига уланмай қолиб кетди. Шундан бери хонадонимиз иссиқлик тизимидан мутлақо узилиб қолган. Бормаган жойимиз, арз қилмаган идорамиз кам қолди. Қаерга учрашмайлик фақат ваъда беришади-ю амалий ишдан дарак йўқ. Шунга ёрдам сўраб сизларга мурожаатга келдим.

Биз Собир Каримовнинг шикоят аризасини туман ҳокимлиги эътиборига ҳавола этдик. Мавзега қарашли 1-ижара корхонаси, Юнусобод тумани уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси ва қоларверса, ҳокимлик маҳкамаси ҳамкорликда иш юритиб тез кунлар ичида ушбу шикоят ижобий ҳал этилганлиги ҳақида бизга хабар қиладилар, деган умиддамиз.

Энди мана бу хатга эътибор беринг.

«Биз Собир Раҳимов туманидаги «Наврўз» маҳалласида жойлашган уйларда яшаймиз. Бу уйлар 1965-1970 йилларда қурилган бўлиб, ҳозирда уларнинг муҳандислик коммуникациялари эскириб яроқсиз ҳолга келиб қолган. Уйларимиз олдидаги ёритиш чироқлари умуман ёнмайди, ахлатлар олинмайди. Қўчаларимиз водопровод қувурларининг тешилавериши натижасида қазилавериб юришга яроқсиз бўлиб қолган. Бундан ташқари сув қувурларининг эскириб кетганлиги оқибатида 4-уйнинг 3-4 қаватларига кундуз кунлари умуман сув чиқмайди. Бу уйларни қишда иситиш учун кичик бир қозонхона қурилган эди. Бу қозонхона фақат биргина нимстанциядан қувват олади. Агар линияда электр токи узилиб қолса қозонхона системасидаги сувни тўкиб ташлашга тўғри келади. Ток келиши билан қозон яна қайтадан сувга тўлдирилади. Қиш кезларининг ўзида бу ҳол бир неча маротабалар такрорланади. Бундай исрофгарчиликлар натижасида давлатнинг қанчадан-қанча маблағи ҳавога совурилаётган экан? Қозонхонага қўшимча электр манбаи келтириш тўғрисида Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига 1995 йилда мурожаат қилган эдик. Ўшанда улар Қорасарой кўчасидаги қурилишлар тугагандан сўнг қўшимча электр манбаи тортишни ваъда қилишган эди. Мана Қорасарой кўчаси ишга тушди ҳамки, ваъда ҳамон бажарилмай келади. Натижада аҳоли совуқ уйларда қишнинг азобини тортишга мажбур бўляпти».

Маҳалланинг 1-А, 2-Б, 3-В каби тўрт қаватли уйларида истиқомат қилувчи оилалардан келган бу хат ўйлаймизки, изоҳ талаб эмас. Гап эгасини топади, албатта.

Ҳали олдимизда аёвсиз қиш кунлари турганини, инжиқ табиат эса ҳамиша ҳам бизга қулиб боқавермаслигини бир зум ҳам унутмаслигимиз даркор.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Илк ўрта асрларда Илоқ давлати пойтахти бўлмиш Тункент харобалари Ангрен дарёсининг сўл қирғоғида, ҳозирги Олмалиқ шаҳридан 6 чақирим шарқда жойлашган. Уни илк бор М. Е. Массон (1934 йил), Ю. Ф. Буряков (1962 йил) бошчилигидаги археологлар гуруҳи ўрганган.

Мозийга назар

ТУНКЕНТНИНГ НОЁБ ТОПИЛМАЛАРИ

Тункент харобаларининг умумий майдони 200 гектар чамаси эди. Унинг деярли 80 фоиз майдони экинзорларга айлантирилган. Қолган қисмини шаҳар маркази, маҳкамалари, қаср ва саройлар ташкил этган. Аммо ҳозир бу жойлар ҳам айрим қурилиш ташкилотлари ва айрим кимсалар томонидан бузилмоқда, сурилмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Фанлар академияси тарих ва археология институти тавсияси билан 1996 йили бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ жонкуяр ўлкашунослар ёрдамида археология қидирув ишлари бошланди. Дастлабки ноёб топилмалар бу жой юртимизда бетакрор эканлигидан далолат беради. Германия тоғ-кон ишлари тарихи музейи директори Герт Вайсбергер Тункент мис эритиш жараёнидан қолган тошқол (шлак)ларга термулиб: «Сизлар, бобо металлургларингизнинг қўллари теккан маъдан асотирларини кўришга, ушлаш имкониятита эгасизлар, бизларда эса бундай нарсаларнинг излари ўчиб кетган. Улар ҳақида ёзишмаларда, китобларда, музейларда қолган, холос», — деган эди.

АҚШ ва бошқа давлатлардан тўпланган олимлар гуруҳида қатнашган Америкалик олим О. Брайн ҳам Тункент харобаларини мароқ билан томоша қилган, аммо унинг қурилишлар пойида эзилиб бораётганини кўриб ачинган эди.

Хуллас охирги уч йил ичида бу ерга АҚШ, Франция, Германия, Тожикистон, Украина ва бошқа ўнлаб давлат олимлари келиб кўрган ва унинг келажак учун, тарих учун, дунё сайёҳлари унинг сақланиб қолиши зарурлигини уқтирган эдилар.

Тункентни шимол томондан Ангрен дарёсининг сувсиз қолган ўзаги ташкил этади. Худди шу томонда бир неча баланд дарвозахоналар, карвонсаройлар, қасрлар, ҳовлилар ҳамда мачитлар ўрни мавжуд. Ҳали шаҳар кўчалари изларининг ҳаммаси ҳам йўқотиб юборилмаган. Сув келтирувчи ариқ ва ер ости сув қувурлари изи, ер ости йўллари мавжуд.

Шаҳарнинг жануби-ғарб томонида истеҳком пойдевори сақланган. Бу шаҳарнинг шимоли-шарқ ва жануби-ғарб чеккасида 150 минг тоннага яқин мис эритишидан сўнг қолган ташлама, яъни тошқоллар уюмлари мавжуд. Шаҳар атрофида қадимги каналлар, ариқлар ўрни кўриниб турибди. Суғъий ҳовузлар яққол кўзга ташланади. Унинг ўзбошимча қурувчилар томонидан бузилишига сабаб, у катта йўл чеккаси ва катта қишлоқ ёнида бўлгани, ернинг серҳосилигидир. Аммо бугунги кун фойдасини деб, улкан ва бетакрор, бебаҳо обидадан, тарихимиздан кечиш мумкинмикин?!

Дастлабки қазишмалар ва тадқиқотлар натижасида бу ерда тош асри давридан қолган тош қуроллари намуналари топилди.

Будда динига хос одам бош шакли, сопол обидалари, оташпарастлик динига хос топилмалар учрамоқда. Сопол буюмлардаги «Оллоҳ», «Ал-Барака» ёзувлари бу ерга ислом дини кириб келганидан дарак беради. Бу шаҳар эрамиз бошларида ўз шаклини ола бошлаган бўлса, II асрлардан бошлаб олтин, мис, кумуш ва темир маъданлари эритила бошлаган. Бу ишлар VIII асрларга келиб ниҳоятда ривожланган. Шу асрдан бошлаб Тункент танга пуллари зарбхоналари ишлай бошлаган. Мис маъдани кўплигидан мис ва бронза буюмлари кўплаб тайёрланган. Сопол кўзаларнинг турли-туман ҳажмдагилари топилган. Сопол кўзалар, атторлик, табиблик, симоб сақлаш учун ишлатилган маъданчилар идишлари тайёрланган. Уларнинг энг кичиги ангишвонадек бўлса, улканларининг бўйи бир ярим метрга етган.

Изланишларимиз натижасида металл эритиш печларининг сақланиб қолган қолдиқлари топилмоқда. Маъдан қолдиқларига қараб қаердан қанақа маъдан (руда) келтирилганлигини аниқлаш мумкин. Печлар асосан пиширилган гил-лойдан тайёрланган.

Печларга сопол қувурчалар орқали босқонлардан дамланган ҳаво юборилган. Ҳаво ёрдамида печ ичидаги ҳарорат 1200 даражагача кўтарилган. Бу ерда зарб қилинган танга пуллар дунёнинг деярли 20 та мамлакатидан топилган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Минералогия» китобида келтирилган минералларнинг деярли ҳаммаси Қураматоғ тизмаларида учрайди. Шулардан олтин, кумуш ва мис маъданлари конлардан қазиб келтирилиб, Тункентда эритилган, мис ва олтин буюмлари тайёрланган, тангалар, узуклар ясалган. Сопол ва темир эритиш печларига конлардан ўнта чидамли ашёлар келтирилган. Тункент дунёнинг ўнга яқин давлати билан савдо-сотиқ ишлари олиб борган. Булар ҳақида X аср тарихчиларидан Истахрий, Ибн Хавкал, Ибн Хордадбек, Ал-Мақдисий, Ас-Сомоний ва бошқалар ўз асарларида ёзадилар, Илоқ давлати ва унинг пойтахти Тункент ҳунармандчилигига катта эътибор берадилар.

Чингизхон истилосидан сўнг бу шаҳар таназзулга юз тутади. Бу ҳақда «Бобурнома»да ҳам ёзилган. Қандай бўлмасин Тункент харобаси, обидасини сақлаб, уни келажак авлодга етказиш илмий ўрганиш, олтин, кумуш, мис зарбхоналарини, мис қуймакорлиги, қандакорлигини ўрганиб, уни тарих музейларига қўйиш, тарихимизни тўлдириш, ноёб маъданчилик марказини сайёҳ ватандошларга ва хорижий меҳмонларга кўз-кўз қилиш даври келмадимикин...

Мусурмон АСҚАРОВ,
техника фанлари номзоди,
қидирув гуруҳи раҳбари.

Юнусобод туманидаги 9-мактабда пойтахт туманлари орасида илк бор ўз мактабларида ҳунар таълими бўйича энг юқори ўринларни эгаллаган ўқувчилар ишларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 43 та мактабдан қизлар, 39 та мактабдан ўғил болалар тайёрлаган асбоб-анжомлар, уй-рўзғор буюмлари кўргазмага қўйилди.

Танловлар

ҚЎЛИ ГУЛ ЎҚУВЧИЛАР

— Ушбу кўрик-танловни ташкил этишдан асосий мақсад ёшлар ўртасида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, уларни касб-ҳунарга ўргатишдир, — деди биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими назоратчиси Музаффар Раҳимбердиев. — Ҳозир мактабларда ҳунар дарсларини намунали ташкил этишда асосий муаммо бу хом ашёнинг етишмаслигидир. Биз махсус низом ишлаб чиқдик. Унда қайси синфдаги ўғил ва қиз болаларга миллий ҳунармандчиликнинг қандай турларини ўргатиш очиқ-ойдин баён этилган. Хом ашё борасида эса ўқувчилар томонидан тайёрланган нарсалар сотилса ундан тушган пулга асбоб-анжомлар олиниб, болалар рағбатлантирилиши мумкин. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитларида мактабларни керакли нарсалар билан таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Дарҳақиқат, кўргазмани айланар эканмиз, тажрибали мураббийлар кўмагида ўқувчилар томонидан юқори дид ва маҳорат билан тайёрланган бадиий ўймакорлик намуналари, қутичалар, кетмонча, жўва, чакич, сабзи тахта, кийим илгич, ҳокандоз, попопчилик, каштачилик намуналари, юмшоқ ўйинчоқ ва тўқилган кийимларни кўриб кўзимиз қувнади.

Ҳакамлар ҳайъати ўқувчилар ишларини баҳолашда муаллимларнинг ижодий ёндошувларини ҳам ҳисобга олди. Ниҳоят очколар ҳисоблангач, ўғил болалар ўртасида 96-мактаб ҳунар таълими ўқитувчиси И. Ғуломов ҳамда 83-мактаб муаллими Қ. Жавдашовлар шогирдларининг ишлари биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Бунда ўз соҳасида деярли 40 йилга яқин самарали меҳнат қилиб келаётган қўли гул уста Исмоил ака Ғуломов ўқувчиларининг ишлари зўр маҳорат билан тайёрланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Қизлар ижодлари баҳоланганда эса 21-мактаб — (муаллими Ф. Ҳамдамова) ва 240-мактаб (Перова)лар шогирдлари энг юқори ўринни эгаллашди.

Шу ойнинг охирларида Олой бозорининг усти ёпиқ расталарида мазкур кўрик-танловда қатнашган энг яхши ишларнинг кўрик-савдоси ўтказилади. Ундан тушган пул асосан ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфланади. Юқоридаги ғолиб тўртта мактаб ҳамда совринли ўринларни эгаллаган 235, 122, 265, 9, 98, 12, 258-мактаблар ўқувчиларининг энг яхши ишлари 21-март — Наврўз байрамида ўтказиладиган шаҳар кўрик-танловида иштирок этади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Қишнинг зийнати қор билан. Куни кеча ёққан қор барчага зумрад фасл завқини улашди.
Андрей Пишненко олган сурат.

Лўқма

АСАББУЗАРЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Яқинда нишонланган Янги йил кирадиган кеча барча хонадонларда қувонч билан бирга айрим нохушликлар каби эсланадиган бўлди. Гап нима ҳақида эканини англаётган бўлсангиз керак. Ҳа, байрам кечаси кўпчиликнинг асабини қўзғаган қўлбола мушаклар тўғрисида. Қизиқ, Хитойдан келтирилаётган бундай матоҳлар нима учун божхона постларида тўхтатилмайди? Юракни ҳовучлатадиган бундай ўйинчоқ фақат байрамларда эмас, тўйларда, ҳатто оддий кунларда ҳам аҳоли гавжум жойларда портламоқда-ку.

Никоҳ тўйларида болалар ва ўсмирларнинг бундай қиликлари авжига чиқмоқда. Куёв асосан жўралари билан эмас, балки ёш болалар, мактаб ўқувчилари билан катта автобусларда келинникига боради. Келинникига яқинлашиб куёв жўралари пиёда кетаётганларида кетма-кет «портлашлар» бошланади. Маҳалла оқсоқоллари, тўй раислари борми ўзи бу ерда? Ё ҳалеб милиция чақириқ шартми? Айрим маҳаллаларда кимнинг боласи бўлишидан қатъи назар уларни куёв жўралари чиқадиган автобусга асло яқинлаштиришмайди. Яқинда Собир Раҳимов кўчаси, 409-уйда бўлган тўй мушаксиз ўтди. Чилонзор тумани Қатортол кўчаси, 20-уй, 1-хонадон, Собир Раҳимов тумани Ленточная кўча 4-боши берк кўча 16-уй, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўча, 75-уй, 28-хонадондаги тўйларда бундай мушаклардан кўпчиликнинг асаби бузилди. Март ойидан бошланадиган тўйлар «пақ-пуқ»ларсиз ўтар деган умиддамиз. Бунинг учун маҳаллалар оқсоқоллари, тўй раислари, милициянинг ҳудудий нозирлари зиммасидаги масъулиятлар юксак. Тижоратчиларга айтадиган сўзимиз эса шу: бундай мушаклардан асло бой бўлиб бўлмайди.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

Олимпдаги Зевс ҳайкали Европа қуруқлигидаги еттинчи мўъжизадир. Элладанинг биронта ибодатхонаси юнонлар учун мўъжизалар қаторига қўшилмаган. Ёлғиз Олимпни мўъжиза ҳисоблашган. Чунки улар Олимпни ҳар бир бадавлат хонадони худди шу ерда бойлик ва амални фарзандларидан қизғанишиб, уларни тириклайин ютиб юборгиси келган қонхўр Крон ўз ўғли Зевсни маҳлубиятга учратганини яхши билишади.

Дунёнинг етти мўъжизаси

ОЛИМПДАГИ ЗЕВС ҲАЙКАЛИ

Олимпдаги энг асосий ибодатхона улуғ Фидий ясаган Зевснинг ҳайкали бор ибодатхона ҳисобланган. Фидийнинг шуҳратини оламга тарқатган фақат Олимпдаги Зевснинг ҳайкали эмас, шу билан бирга у Парфенондаги Афина ҳайкали билан деворлардаги кўзни қамаштирадиган расмлари билан ҳам машҳур бўлган. Перикл билан бирга Фидий Афина шаҳрининг қайта тикланадиган қурилиши лойиҳасини чизишган. Рости, бу лойиҳа Фидий учун осон бўлмаган, ажралмас дўст, маслакдошлари у ишлаган ҳайкалга қарши чиқишади. Фидийга Парфенондаги Афина ҳайкалини турғазиш пайтида олтин ва фил суягини ўғирлаб кетган деб айб қўйишгача боришади.

Ҳайкалтарошнинг шуҳрати унинг душманларидан устун келади. Эллада фуқаролари унга кафилликка туради. Фидий Олимпда илмни давом эттиришга асирликдан озод этилади. Зевс ҳайкали жойлашган ибодатхонанинг баландлиги 64 метр, эни 28 метр бўлган. Залнинг тўрида тахтиравонда ўтирган Зевснинг боши шифтга тегиб турибди, кўкрак томони ялангоч. Унинг бўй-басти чиройли қизғиш рангли фил суягида, кийимига олтин ялпоқли нақшли ишлов берилган бўлиб, бир қўлида шон-шуҳрат маъбудаси — Никанинг олтин ҳайкали, иккинчи қўли билан узун таёққа суяниб ўтирибди. Фидий ўз ишидан ниҳоятда мамнун бўлиб, гўё ибодатхонанинг қора мармар остонасида сузиб келаётгандай таассурот қолдирадиган ҳайкалга яқин келиб:

— Рози бўл, Зевс, — деб сўраган экан.

Худди шу пайт қаср-қусур этиб, яшин уриб, ҳайкалнинг оёқ ости иккига бўлинади. Бу — Зевснинг Фидийга розилик билдиргани бўлса керак. Қолган фил суяги билан ҳар хил худоларнинг олтин ҳайкали ўрнатилган Зевснинг тахт ўриндиғига ишлов беришни Фидийнинг укаси, ҳам ёрдамчиси рассом Панэн маромига етказиб адо этади.

Кейин Византия императорлари ҳайкални ўта эҳтиётлик билан Истанбулга келтиришган. Улар насроний мазҳабида бўлишса ҳам Зевсга қўл кўтаришга, тил теккизишга журъат этиша олмайди. Давримизнинг V асрида император Феодосий II саройига ўт кетади. Шунда ҳайкалга ҳам олов тегиб, Фидий асаридан қуйган суяклар билан олтин қуймаларгина қолади.

Германия археологлари оламнинг еттинчи мўъжизаси Зевс ҳайкали билан қизиқишиб Олимпда қазилма ишларини олиб боришган. Текшириш чоғида улар Олимп яқинидаги ибодатхонадан қўлами кам бўлмаган тошқўрғон-устахонанинг ўрнига дуч келишади. Шунингдек, улар шу ердан ҳайкалтарош билан заргарнинг қуроллари ҳамда қуйиш «цехи»ни устахона билан қатор жойлашган ўра ўрнини ҳам топишга муяссар бўлишади. Усталар, маълумки, ҳайкалнинг хато қуйилган қисмларини улоқтириб туришган. Ўрадан Зевснинг устки кийимининг қуйилмаси, фил суяги, бронза ҳамда темир михлар топилган. Энг сўнгида, археологлар ҳамма нарсаларнинг исботи ва асоси сифатида чиқиндилар орасидан кўза тагини топиб олишади, унда «Фидийнинг мероси» деган ёзув бор экан.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

Дунё миқёсида кенг нишонланган бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини киноижодкорларимиз ҳам муносиб кутиб олдилар. Ҳужжатли ва бадиий кинода ўтмишимизга муносабат бутунлай ўзгарган, мозий тўғри талқин этилаётган, Амир Темур ва темурийлар тарихига ижобий кўз билан қаралаётган бугунги даврда буюк давлат арбоби, саркарда ва жаҳонгир, донишманд ва илоҳий сиймо — буюк Соҳибқиронинг ҳаётини, фаолиятини очиб бериш борасида илк қадамлар қўйилди.

Миллий қадриятларимиз тикланаётган, халқимизнинг миллий ғурури ва ифтихори жўш урган бир пайтда киночиларимиз зиммасига жуда катта, масъулиятли ва шарафли вазифа юклатилган эди. Табиийки, ижодкорнинг мавзуга муносабати унинг ички муҳаббатидан, ички эътиқодидан бошланади. Ана шу эътиқод ва муҳаббатни қалбига жо қилган бир гуруҳ киноижодкорлар «Буюк Амир Темур» деб номланган киноэпопеянинг биринчи қисмини суратга олиб, томошабинларга ҳавола этдилар. Киноасар режиссёри Исамат Эргашев биз билан суҳбатда қўйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

— Биз суратга олган «Ватан озодлиги йўлида» икки серияли фильми «Буюк Амир Темур» киноэпопеясининг биринчи қисмидир. Фильмдаги воқеалар Самарқанд шаҳри пойтахт деб эълон қилинган вақтгача (1370) бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Асаримизда буюк аждодимизнинг саркарда сифатида шакллана бошлаган даврини ифода этишга ҳаракат қилдик. Амир Темур ҳаётига оид воқеликларни, ўша даврнинг дунё тараққиётида тутган ўрнини, Соҳибқирон фаолиятидаги бугунги кундаги ҳаётимиз қирраларини таққослаб, уйғунлаштиришга ҳаракат қилдик. Зеро, улуғ бобокалонимизнинг биз фахрлансак арзигули, биз ўрнак оладиган, ғурурланадиган шавкатли ва сурурли ҳаёти бор.

Тарихдан маълумки, Амир Темур Узоқ Шарқ билан Ўрта ер денгиз ҳавзасида жойлашган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни тиклади, Мовароуннаҳр ва Туркистондаги мавжуд феодал тарқоқликка барҳам берди, мамлакатни мўғуллар истилосидан озод қилиб, марказлашган қудратли давлатга асос солди. Темурийлар даврида фан ва маданият, меъморчилик ва ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва зироатчилик ривожланди.

Академик Бўрибой Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ашраф Аҳмедов ва Баҳо Содиқовлар сценарийси асосида суратга олинган мазкур фильмдаги бош ролга даъвогарлар кўп эди. Фильмнинг яна бир режиссёри Баҳо Содиқов иккаламиз Темурбек ролини ижро этишга ишончимиз комил эдик. Бу ишончимиз ва таъсирчан ролларнинг ижодкорлар ҳаётидаги ўрнини ҳисобга олиб, Темурбек ролини ижро этишга ишонган

Спорт янгиликлари

АРМИЯЧИЛАРГА СОВҒАЛАР

Ўзбек спортчиларининг халқаро майдондаги муваффақиятларида Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилаётган армиячи спортчиларнинг ҳам ҳиссалари катта.

Хусусан, 1994 йили Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинлари, 1995 йилги 1 Марказий Осиё ўйинларида армиячи спортчилар Ўзбекистон терма жамоаси таркибида салмоқли ўрин эгаллаб, жуда кўп совринли ўринларнинг соҳиби бўлгандилар. Ўтган йилги XXYI ёзги олимпиада ўйинларида ҳам республикамиз шарафини ҳимоя қилган 76 спортчидан 27 таси армиячилар эканлиги фикримизнинг далилидир.

Олимпия шон-шуҳрати музейида ўтган мавсумда катта ютуқларни қўлга киритган Ўзбекистон Қуролли Кучлари қарбий спортчиларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Б. Маҳситов, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари Қ. Абдуллаевлар армиячи спортчиларнинг кейинги пайтлардаги ғалабалари ҳусусида сўз юритдилар.

Сўнг К. Тўлаганов, У. Маҳмудов, А. Тюрин, Ш. Аҳмедов, Н. Отаев, Ў. Пуляев, Д. Корщунов, О. Саблина, И. Исакова, З. Шарипов, А. Суров каби етакчи спортчилар, моҳир устозлар ҳамда Мудофаа вазирлигининг спортга масъул ходимларига республика спорт қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

ШАХМАТЧИЛАР ШАРАФЛАНДИ

Кейинги йилларда ўзбек шахматчилари спортчиларимиз орасида энг катта ғалабаларга эришишяпти десак янглишмаймиз.

1992 ва 1996 йилги жаҳон шахмат олимпиадаларидаги юқори кўрсаткичлар, С. Йўлдошев, Р. Қосимжонов каби иқтидорли шахмат усталарининг етишиб чиқиши — буларнинг бари республикамизда шахматнинг янада ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йили Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтказилган шаҳар терма жамоалари ўртасида Осиё Кубогида илк бор қатнашганлигига қарамай пойтахт шахматчиларининг Кубок соҳиби бўлганликлари ҳам қувонарли ҳолдир.

Аввал хабар берганимиздек, Олимпия шон-шуҳрати музейида ана шу Осиё Кубоги қаҳрамонларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.

— Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида ўзбек шахмат мактаби тўғрисида фахр билан сўзламоқдалар, — деди шахматчиларни қўлар экан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев. — Зеро шахматчиларимизнинг нуфузли халқаро мусобақалардаги муваффақиятлари бунга замин яратмоқда. Шахмат қанча равожланса мамлакат ҳам шунчалик тараққиётга юз тутган бўлади. Чунки шахмат ҳам санъат, фан ва спорт туридир.

Сўнг жамоа ҳисобида Осиё Кубоги соҳиблари бўлмиш А. Ненашев, С. Загребельний, Д. Қаюмов, С. Йўлдошев, Р. Қосимжонов каби шахмат усталари, республикамизда шахмат ривожига улкан ҳисса қўшган ушбу соҳа жонкуяри, спорт устаси, халқаро тоифадаги ҳакам М. Муҳиддиновга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғалари топширилди. Шахмат бўйича Осиё кўчма Кубогини шахматчиларимиз келаси йилга қадар сақлаш учун Олимпия шон-шуҳрати музейига топшириб, яна 2 турнирда ғалаба қозониб Кубокнинг музейдан доимий ўрин олиши учун бор куч-маҳоратларини сарфлаяжакларига сўз бердилар.

— Ўтган йилги кўпгина халқаро мусобақаларда қатнашиб, билим-тажрибаларимизнинг ортишида шарт-шароитлар яратиб беришгани учун республикамиз ҳукуматига катта ташаккур билдираман, — деди биз билан суҳбатда ёш, умидли шахмат юлдузи Р. Қосимжонов. — Бу йил ҳам февраль ойида Францияда ўтказиладиган гроссмейстерлар халқаро турнири, Польшада бўладиган 18 ёшгача шахматчилар ўртасида жаҳон чемпионатида қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя этишга ҳаракат қиламан.

Дилшод ИСМОИЛ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ! ПОЙТАХТИМИЗ ЁШЛАРИ ВА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қошида очилган тайёрлов курси ёшларни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун тест синовлари асосида тайёрлайди. Машғулотлар даврида ва тайёрлов курси тўлиқ машғулотлари тугагандан сўнг ёшларни қайси институтга кириш имкониятлари олдиндан башорат қилиб берилади. Тайёрлов курсининг икки йиллик тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бизда шуғулланган ёшларнинг 90 фоизи олий ўқув юртларининг тест синовларидан муваффақиятли ўтмоқдалар.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида ёшларни мактабдаги ўқиш соатларидан ҳоли вақтда 1997 йил 20 январдан бошланади.

Қўшимча маълумотларни 55-55-77 телефони орқали олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент—100, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси 103-уй.

7-ҲТБЮ
4 ойлик пуллик радио-телевизорлар созлаш усталарини тайёрлаш курсига ҳоҳловчиларни
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Машғулотлар 1997 йил 3 февралда бошланади.
Манзилимиз: Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси 8-уй. (Тошкент тўқимачилик комбинати қаршисида). Тел. 53-31-21.

Лисунов кўчасидаги 1 ва 2 хонали квартира тезлик билан
СОТИЛАДИ
Тел. 96-27-56.

Юнусобод туманидаги «Нодир» кичик корхонаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Тошкент шаҳар Биринчи Давлат нотариал идорасининг нотариуси Элшода Жўрақуловага онаси
Мамлакат Собировна ВОСИҚОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А. Ш. Эргашевга отаси
Шокиржон ЭРГАШЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

1-Тошкент Давлат тиббиёт институти жамоаси институт клиникаси бош шифокорининг ўринбосари Ҳусниддин Шарипович Раҳмоновга отаси
Шариф Раҳмонович РАҲМОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкентсавдо» улгуржи-чакана савдо ва ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бош бухгалтер М. Қ. Нурматовага падари бузруквори
Қодир МАҲМУДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ДУШАНБА, 20

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 20 январь, душанба куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ранг фалсафаси».
18.35 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.30 «Бу оқшом...».
21.50 «Бизнес-доктор». Видеофильм. 1-қисм.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 11-қисм.
23.15 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Турон юлдузлари» ансамблининг концерти.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 ТВ плюс.
18.45 «Киносайёра».
19.05 «Сизнинг имконият».
19.15 «Ором онлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисино» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 Кундалик.
22.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 «Акс».
23.15 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
23.35 — 00.05 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қорбоболар». Мультфильмлар тўплами.
18.25 «Дарбадар». Бадиий фильм. 12-серия.
*
7.30 — 9.00, 19.10 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
*
22.31 — 23.35 Россия давлат телевидениеси.
*
23.35 Эълонлар
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
19.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.45 Эълонлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 Долзарб репортаж.
21.10 «Тиббиёт ҳамма учун».
21.40 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.30 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.45 Эълонлар.
22.50 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.20 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
23.50 «Жиллет»-спорт».
00.20 — 00.30 «Хайрли тун!»

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

20 январдан 26 январгача кўриб, дам олинг

ЧОРШАНБА, 22

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
8.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Наманган сеҳргарлари».
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 12-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Алифбо» байрами.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, япон тили».
*
11.40 «Қишлоқ стадионларида». Спорт кўрсатуви.
12.00 «Учувчининг парвози». Бадиий фильм.
13.25 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битдадур...».
18.25 «Сўз — Сизга!». Ёшлар учун кўрсатув.
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Табаррук қадамжолар». Қосим Шайх мажмуаси. XVI аср.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.40 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.55 «Сир».
22.05 «Автоолам».
22.20 «Рангин дунё».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». Кўп қисмли телевизон бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 13-қисм.
23.15 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Зерикмай десангиз...»
18.45 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисино» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Зерикмай десангиз...»
22.40 Кундалик.
22.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.05 — 23.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кобра», «Момиқ мўйна». Телефильмлар.
18.25 «Дарбадар». Бадиий фильм. 13-серия.
*
7.30 — 9.00, 19.10 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мармар жилоси», «Оловда тобланган». Телефильмлар.
*
22.55 — 23.25 Россия давлат телевидениеси.
*
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Безнен мирас».
19.30 «Ҳамдўстлик».
20.00 «Мезон».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Азизим».
21.05 «Тошкент оқшомида».
21.35 Эълонлар.
21.40 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.30 «Қушиқларим оламни тутгай».
23.00 «Ҳуқуқ ва бурч».
23.10 «Коллаж».
23.35 «Бу ажиб дунё».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 23

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Кекса санъаткорлар.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 13-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Санъат ғунчалари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
*
11.40 «Мерос». Беҳбудий.
12.00 «Морена Клара». Телесериал.
12.45 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.30 «Нозигойим». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Катта танаффус».
18.55 «Дилнавоз садолар».
19.10 «Билиб қўйган яхши».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.40 Ўзбекистон халқ артисти Мунажот Йўлчиева куйлайди.
22.10 «Иймон».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 14-қисм.
23.15 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Мульти-пульти».
9.40 «Умрбоқий мерос».
9.55 «Дилором наволар».
10.05 «Хушвақт бўлинг». Дам олиш кўрсатуви.
10.35 «Дунё кўриб, дунё ярат».
10.50 «Таманно».
11.00 «Мезбон».
11.15 Видео — «О».
13.00 Дастур ниҳояси.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Дунё кўриб, дунё ярат».
19.20 «Имло».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эҳтиром». Ўзбекистон халқ артисти Т. Юнусхўжаева.
20.15 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Унутилмас тасмалар».
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
23.30 Дастур ниҳояси.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар
18.00 «Вера ва Анфиса ҳақида». Мультфильм.
18.10 «Биринчи бўса». Қисқа метражли бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
18.40 Ўзтелерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
*
7.30 — 9.00, 19.10 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Алибек Днишев». Фильм-концерт.
*
23.05 — 23.40 Россия давлат телевидениеси.
*
23.40 Эълонлар.
23.45 — 23.50 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.35 Мультэкран.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «02» тўлқинида.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Каталог».
21.20 «Халқаро фитналар», Телесериал (Италия)
22.20 «Интер-спорт».
22.30 «Океандан — океангача».
23.00 «Компьютер-ревю».
23.10 «Ит ҳаёт». Телефильм (Япония).
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 24

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Пойтахт концерт залларида.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 14-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳазинамиз таянчи». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мультфильм.
11.40 «Тилга эътибор...»
12.10 Мумтоз ашулалар.
12.40 «Менга қарата олма от». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.15 «Компьютер-шоу». Телемусобақа.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Ривоят».
21.30 «Репортаж».
21.50 «Қалб гавҳари».
22.15 «Нима учун?»
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 15-қисм.
23.15 «Тақдим».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Дубляж».
9.40 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
10.00 «Жозиба».
10.20 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.45 Видео — «О».
12.25 — 13.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Камолот».
18.55 Театр плюс ТВ.
19.15 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Қалб ардоғида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Ҳанда дўкони».
22.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.10 — 24.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Қор маликаси». Бадиий фильм.
*
7.30 — 9.00, 19.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Озарбайжон эстрадаси». Фильм-концерт.
*
23.00 — 23.30 Россия давлат телевидениеси.
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Рангинкамон».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Маънавият ва инсон».
20.05 Кинематограф. «Ноёб асарлар орқасидан ов». Телесериал (Италия).
21.05 «Мўъжизалар».
21.30 «Сирдошим».
22.00 Араб эстрадаси.
22.30 «Монитор-Осиё».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 25

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум», Мусиқий дастур.
9.05 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мультфильм.
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 15-қисм.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.00 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
10.30 «Баҳс».
10.55 «Ватанпарвар».
11.15 «Яшил чироқ». Телетанлов.
12.00 «Морена Клара». Телесериал.
12.45 «Халқ ижодиёти» (Қирғизистон).
13.25 «Пахтакор»да нима гап?»
13.55 Эстрада қўшиқлари.
14.25 — 15.25 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Наштар». Ҳажвий киножурнал.
18.35 «Олам».
18.50 «Мактуб».
19.05 «Бир қўшиқ тугагунча...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайрат».
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.30 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
22.00 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Р. Ҳамроев.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 16-қисм.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.30 «Евуз». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар (Ҳиндистон).

II
9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «Камолот».
9.40 Театр плюс ТВ.
10.00 «Ором онлари». Концерт.
10.10 «Қалб ардоғида».
10.40 «Ҳанда дўкони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40 — 14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
19.05 «Ҳавас-ТВ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:
21.00 Видео — «О».
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
23.15 — 23.40 «Спорт қитъаси».

III
18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.20 — 23.10 Россия жамоат телевидениеси.
*
23.10 — 23.40 Россия давлат телевидениеси.
*
23.40 — 00.05 «Тошкент». Манзаралар фильм.

IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. Ж. П. Бельмондо «Профессионал» фильмида.
11.00 Эълонлар.
11.30 «Клип-антракт».
11.35 «Комедиантлар».
11.55 Эълонлар.
12.00 «Шанба эртаги».
13.00 «Клип-антракт».
13.05 — 13,25 «Корейс тилини ўрганяпмиз».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 Эълонлар.
22.25 «Илҳом сатрлари».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 17-қисм.
23.10 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Футбол. МДҲ чемпионлари кубоги. «Навбаҳор» (Наманган) — «Зимбру» (Кишинёв).
00.45 «Келгуси ҳафтада».
01.00 Тунги тароналар.
01.10 — 01.20 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Даракчи».
9.10 «Бугуннинг боласи».
9.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.55 «Дунё кўриб, дунё ярат».
10.15 «Имло».
10.20 «Болажонлар» экрани.
12.00 «Эҳтиром». Ўзбекистон халқ артисти Т. Юнусхўжаева.
12.20 «Дилором наволар».
12.35 Унутилмас тасмалар.
14.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
14.30 Видео — «О».
16.10 Дастур ниҳояси.
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Мульти-пульти».
18.50 «Умрбоқий мерос».
19.05 «Мухлис-ТВ-II».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Таманно».
20.15 «Дилором наволар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео — «О».
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 «Табиат шифохонаси».
23.15 «Мувозанат».
23.25 «Мухлис-ТВ-II».
23.45 Дастур ниҳояси.

III
18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.05 — 22.55 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.55 Эълонлар.
23.00 — 23.25 «Панорама».

IV
9.00 «Эй! Тонгингиз ҳайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.10 «Дарвоқе...»
11.30 «Парле ву франсе?»
12.00 Киносалон. Б. Бертолуччининг «ХХ аср» фильми. 1-қисм.
14.30 «Бизнес-доктор». Видеофильм.
15.00 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
15.45 «Жонли сайёра».
16.05 Эълонлар.
16.10 Кундузги сеанс. «Христофор Колумб». Бадиий фильм. 2-серия.
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «ТВ IVда етти кун» (ўзбек тилида).
19.00 «Мультқарусель».
19.15 Эълонлар.
19.20 Киносалон. Б. Бертолуччининг «ХХ аср» фильми. 2-қисм.
21.50 Эълонлар.
21.55 «Биргаликда куйлайлик».
22.55 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
23.10 Эълонлар.
23.15 «Сенинг вақтинг».
23.45 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

(ЎзТВ III канали орқали)

РЖТ ва РДТ КЎРСАТУВЛАРИ

ДУШАНБА, 20
РЖТ
19.10 «Тиғиз пайт».
19.35 «Куйини топинг». Телеўйин.
20.00 Душанба куни Познер билан. «Ниқобдаги одам» кўрсатуви.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
РДТ
22.31 «Биз — МИИТданмиз»
23.15 Телелотерея.

СЕШАНБА, 21
РЖТ
7.30 «Хайрли тонг».
* * *
19.10 «Тиғиз пайт».
19.35 «Куйини топинг». Телеўйин.
20.05 Мавзу. «Матбуот». 1-қисм.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
РДТ
22.31 «Аншлаг» таништиради.
23.05 «Қизиққон ўнлик».

ЧОРШАНБА, 22
РЖТ
7.30 «Хайрли тонг».
* * *
19.10 «Тиғиз пайт».
19.35 «Куйини топинг». Телеўйин.
20.05 Мавзу. «Матбуот». 2-қисм.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
РДТ
22.55 «Вести».

ПАЙШАНБА, 23
РЖТ
7.30 «Хайрли тонг».
* * *
19.10 «Тиғиз пайт».
19.35 «Жентльмен-шоу».
20.00 «Менинг оилам» кўрсатувидаги қизиқарли воқеалар.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
РДТ
23.05 «Вести».

ЖУМА, 24
РЖТ
7.30 «Хайрли тонг».
* * *
19.15 «Инсон ва қонун».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
РДТ
23.00 «Вести».

ШАНБА, 25
РЖТ
18.20 «Эчки ҳақида». Мультфильм.
18.45 Олтин серия. «Сепли тўй».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 Самарқандар юртидаги саргузаштлар. «Сегун» сериали.
22.40 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
РДТ
23.10 «Вести».

ЯКШАНБА, 26
РЖТ
18.05 «Бахтли тасодиф».
19.00 Геннадий Ҳазанов «Ўзгалар юбилейи» кўрсатувида. 1-қисм.
20.00 «Время».
20.55 Геннадий Ҳазанов «Ўзгалар юбилейи» кўрсатувида. 2-қисм.
21.55 «Сегун» сериали.

Тошкент — Оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г.08. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт, матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. Босишга топширилди: 11.50. ❖ 8.456 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.